

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдураимов О.

International School of Finance Technology and Science

www.doi.org/10.5281/zenodo.10464196

АННОТАЦИЯ. ушбу мақолада олий таълим талабаларида иқтисодий саводхонлик иқтисодий билим кўникмаларни шаклланиши ва ривожланиш босқичлари шу билан биргаликда талабаларда иқтисодий компетенцияларини ривожлантиришда креативлик қобилиятларини ривожланиш зарурияти шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш белгилаб берилган[3].

Олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, орижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, бўлажак мутахассисларнинг пуллик хизматлар йўлга қўя олиши, бюджетдан ташқари маблағларни топиш кўникмаларига эга бўлиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни лойиҳалаштириш салоҳиятига эга бўлишини таъминлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, талабалар клублари ва турли тўғарақларнинг ишлаб туриши бозор талабларига жавоб берувчи меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган кадрларнинг тайёрланишга қаратилган. Бозор иқтисодиётининг тараққиёти жамиятни барқарорлигини таъминловчи “инсон капитали”га эътиборни кучайтирмоқда. Инсон капитали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи ҳисобланиб, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий компетентлиги ва рақобатбардошлиги ижтимоий тараққиётнинг қудратли омили ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги унинг муваффақиятини кафолатлайди. Бугунги ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг талаби касбий фаолиятда мутахассис мустақил қарор қабул қилишга қодир, мобил, юқори малакали, рақобатбардош бўлишини талаб этади. Ҳар қандай давлатда миллий рақобатбардошликни ошириш ва шу асосда илм-фанни ривожлантириш, янги самарали технологиялар, инновацион механизмларни қўллаш, кадрлар малакасини муттасил юксалтириш, миллий иқтисодиётнинг афзалликларидан фойдаланиш орқали халқнинг ҳаёт сифатини ошириш, халқаро меҳнат тақсимооти ва жаҳон бозорларида ёки

бошқа турдаги товарлар ва хизматларда етакчи ўринларни таъминлаш илмий, техник ва иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талабалар билимини ривожлантиришнинг мақбул йўлларини излаш педагог олимлар, психологлар, социологлар, иқтисодчиларнинг эътиборини тортмоқда. Бир томондан, ишлаб чиқариш ва жамият истеъмолчиларини малакали кадрлар билан қондириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, шахснинг ўзини ривожлантиришга бўлган эҳтиёждир. Кадрлар тайёрлаш тизими бозор муносабатлари ривожланиши шароитида ўз вазифаларини етарлича бажариши учун янгича ёндашувлар зарур.

Жамият асосларининг ўзгариши дунёқарашнинг, иқтисодиётни ва унинг инфратузилмасини ташкил этиш тамойилларини қайта қуришга олиб келади. Бу шакланаётган меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорида иш берувчи ҳамда таълим муассасалари ўртасида юзага келадиган муаммолар билан боғлиқ. Замонавий жамият тараққиётининг асосий ресурси жамиятни барқарорлик ва тараққиётни таъминловчи “инсон ресурси”дир. Бозор шароитида мутахассисларнинг юқори касбий компетентлиги ва рақобатбардошлиги ижтимоий тараққиётнинг қудратли омили ҳисобланади. Ҳар қандай тармоқда касбий муваффақият бевосита таълим тизимининг рақобатбардошлигига боғлиқ. Шундай қилиб, “иқтисодий таълим” тушунчасига иқтисодий билим ва малакаларни ўзлаштириш, шахснинг иқтисодий аҳамиятли фазилатларини, иқтисодий фикрлаш ва хулқ-атворини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киритиш жараёни ва натижаси сифатида таъриф бериш қуйидаги хулоса чиқаришга имкон беради: иқтисодий таълим ўқувчининг индивидуал иқтисодий таълимининг асоси ва иқтисодий компетентлигининг шакллантириш асосидир, чунки у иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради ва самарали иқтисодий фаолиятнинг шарти деб қараш мумкин.

Тадқиқотимизда “иқтисодий тафаккур”ни одамлар иқтисодий фаолиятда амал қиладиган қарашлар ва тасаввурлар, ҳодисаларни баҳолаш ва қарорлар қабул қилишга ёндашиш усуллари йиғиндиси сифатида тапқин этамиз. Иқтисодий муносабатлар қаторига таълим хизматлари ҳам киради ва у таълим ташкилотларида амалаг оширилади. Бундай хизматларни тақдим этиш педагогик, услубий, технологик ва бошқа таркибий қисмлардан иборат иқтисодий қисмга эга бўлган яхлит ўқув жараёнларидир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2020 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 15 сентябрь, ПҚ-3276-сон қарор (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2019 й., 06/19/5893/4150-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2023 й., 06/23/92/036627 февраль, ПҚ-4623-сон «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор (Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси, 28.02.2020 й., 07/20/4623/0220-сон, 13.06.2020 й., 07/20/4749/0758-сон).

3. Абдуллаев А.: Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Тошкент «Маънавият. 1999.104-б.
4. Анисимов, О.С. Новое управленческое мышление: сущность и пути формирования [Текст] / О.С. Анисимов. - М.: Экономика, 2001. — 126 с.
5. Абдулова Л. Ш. Формирование исследовательской компетентности студентов колледжа на основе синергетического подхода : дис. ... канд. пед. наук. Элиста, 2010. 169 с.
6. Афанасьев, В.Г. Общество: системность, познание, управление [Текст] / В.Г. Афанасьев. - М.: Ленанд. 2019. – 432 срт.
7. Архипов, А.Ю. Экономическое мышление: содержание и пути формирования / А.Ю.Архипов. - М.: Луч, 2004. - 122 с.

INNOVATIVE
ACADEMY